



# Organizing and Enhancing the Functions of Internal Anti-Corruption Control Structures in Higher Education Institutions

Palmurza KHOJABEKOV <sup>1</sup>

Tashkent State University of Law

## ARTICLE INFO

### *Article history:*

Received December 2024

Received in revised form

15 December 2024

Accepted 20 January 2025

Available online

15 February 2025

### *Keywords:*

higher education,

anti-corruption,

efficiency,

risks,

application,

program.

## Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларини ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш масалалари

## ABSTRACT

The article attempts to put forward specific proposals aimed at more effectively organizing and improving anti-corruption activities in higher education institutions.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss1/S-pp542-546>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

## АННОТАЦИЯ

Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни киритишга уриниш қилинган.

### *Калит сўзлар:*

олий таълим,

коррупцияга қарши

кураш,

самарадорлик,

хавф-хатар,

илова, дастур.

<sup>1</sup> Teacher, Tashkent State University of Law. E-mail: 20baraka21@gmail.com

# Вопросы организации и совершенствования деятельности структур внутреннего контроля по противодействию коррупции в высших учебных заведениях

## АННОТАЦИЯ

### *Ключевые слова:*

высшее образование,  
борьба с коррупцией,  
эффективность,  
риски,  
приложение,  
программа.

В статье предпринята попытка внести конкретные предложения, направленные на более эффективную организацию и совершенствование антикоррупционной деятельности в высших учебных заведениях.

Мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашишнинг илғор халқаро стандартларга асосланган тизимини жорий этиш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда.

Илк бор коррупциявий хавфларни аниқлаш ва тизимли таҳлил қилиш, уларни келтириб чиқарувчи омилларни бартараф қилиш учун масъул бўлган алоҳида орган — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди.

Давлат ҳокимияти органлари ва йирик хўжалик юритувчи субъектларда коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилмоқда. [1]

Шу жумладан, олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш борасида муайян ишлар амалга оширилиб, жойлардаги олий таълим муассасалари ва филиалларда коррупцияга қарши курашиш «Комплаенс назорат» тизимини бошқариш бўлимлари (Булим) жорий этилмоқда.

Бўлимлар ўз ташкилотларида коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади. [2]

Бўлимларни ташкил этиш ва фаолиятларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (Вазирлик) жойлардаги ОТМларга бир қанча муҳим идоравий-меъёрий ҳужжа

Бўлим ходимлари ўз малакаси ва тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, юклатилган вазифаларни ўрганиб, бажариб келмоқда.

Ишлар ҳолатининг холис таҳлили Бўлимлар ишларини янада самарали ташкил этиш учун ҳозирги пайтда Бўлимларда фаолият кўрсатилган 150 тан ортиқ мутахассисларнинг Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларидан фойдаланиш зарур.

Шуларни инобатга олган ҳолда, вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва бошқа инстанциялардан келган

топшириқ, ҳужжатларнинг барча ҳудуд ва ОТМ ларда аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлик ва Агентлик томонидан бўлим ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш масалалари кўриб чиқилиб, йўлга қўйилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, Бўлимлар ўз фаолиятларини мустақиллик, марказлашганлик, қонунийлик ва ошкоралик принципларига риоя қилган ҳолда, ҳудудий ОТМ лардан мустақил равишда амалга оширса ва Булимлар Вазирлик ва/еки Агентликка моддий-техника, ташкилий ва услубий жихатдан тугридан-тугри буйсинтирилса мақсадга мувофиқ буларди.

Ана шунда, Бўлимлар Вазирлик ва/еки Агентлик раҳбарлик қиладиган ягона марказлашган тизимнинг иштирокчисига айланарди.

Бўлимлар ўз ваколатларини ҳар қандай бошқа давлат органлари, жамоат бирлашмалари ҳамда мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширардилар. Бўлимларнинг фаолиятига аралashiш тақиқланиши керак.

Бўлимлар ўз фаолияти тўғрисида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиши, қонунчиликда белгиланган тартибда ўз фаолиятини ошкора амалга ошириши керак.

Ҳозирги пайтда давлат идораларида коррупцияга қарши курашиш бўлимлари ташкил этилиб, бўлимларга малакали мутахассисларнинг етишмаслигини инобатга олиб, юқори турувчи инстанциялар билан келишилган ҳолда, ОТМ ларнинг узларида, тегишли кафедраларда Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари, методикаси ва амалиёти, Халқаролик тажриба ва шу каби дарсларни ўқишни йўлга қуйиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Коррупцион ҳолатларнинг олдини олишга ва ОТМ ходимларининг коррупцияга қарши иммунитетини юқори даражада ушлаб туришга қаратилган муайян, аниқ, ҳар бир ОТМ ходимларининг телефон, компьютерларига юклаб олиши мумкин бўлган махсус илова ва компьютер дастури ишлаб чиқиш зарур.

Масалан, бу илова талабалар томонидан ўқув жараёнинг ҳар бир босқичида уларга дарс бераётган профессор-улитувчиларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларида коррупцион хатти-ҳаракатларнинг йуклиги ёки коррупцион ҳолатларни келтириб чиқаришга мойиллиги даражасини баҳолаб боришга имконият беради.

Баҳолаш илова ва/еки дастурга киритилади ва улардан автоматик равишда узларининг куйган баҳоларини изоҳлаб бериш сўралади.

Баҳолаш ва изоҳлаш жараёнида талабалар ва ходимлар узларининг ким эканлигини очиқ кўрсатиб ёки аноним тарзда амалга ошириши мумкин.

Шу билан бирга, ўз навбатида профессор-ўқитувчилар, гуруҳдаги ёшлар иттифоқи вакиллари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича талаба-ёшлар Клуби аъзолари, талабаларнинг коррупциявий ҳолатларни келтириб чиқаришга мойиллик даражасини баҳолаб ва изоҳлаб бориш имкониятига эга бўлади.

Ушбу баҳолашларнинг натижаларига кўра, профессор-ўқитувчилар ва талабалардан шаклланган хавф гуруҳи (группа риска), кузги ва ёзги сессия

пайтларида ОТМ, факультет, кафедра раҳбарларининг ва Бўлимнинг диққатли назорати остида бўлади.

Бу илованинг ёрдамида ОТМ профессор-ўқитувчилари, талабалар ва ходимлар ОТМда юз бераётган барча жараёнларга ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш ва баҳо куйиши мумкин. Натижада, тегишли критерийлар инобатга олинган ҳолда, ОТМ раҳбарияти, бўлимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг рейтингини шаклланади. Кейинчалик иловадаги барча статистик маълумотлар таҳлил қилиниб, ОТМ фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чоратadbирлар, йўл-карталар ишлаб чиқилади ва масъул шахслар белгиланади.

Ушбу илова ва дастурнинг зарурлиги ва актуаллиги ўрганиб чиқилгандан кейин, мақола муаллифи ушбу иловани яратишга қаратилган ишларни бошлашни режалаштирмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, ушбу жараёнга жамоатчиликни кенг жалб этиш ва коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш мақсадида:

1) ОТМ таркибий бўлинмалари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифатини ва амалга оширилаётган фаолиятидаги коррупциявий хавф-хатарларни ҳаққоний баҳолаш мақсадида, оддий мурожаатчи сифатида ташриф буюриши ташкиллаштирилган «Сирли мижоз»ларнинг ёрдамидан фойдаланишни йўлга куйиш зарур.

2) Дарс утиш, мустақил ишлар, курс ишлари, якуний назорат ишлари, давлат якуний баҳолаш ишлари, диплом ҳимояси жараёнларини, талабаларнинг билим даражаларини, хулқ-атворини объектив баҳолаш ҳамда инсон омилини максимал равишда қисқартириш мақсадида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда ОТМнинг ҳар бир аудиториясини видеокамера, овоз ёзиш (микрофонлар) билан жиҳозлаб, ушбу аудиторияларни кафедра, факультет, ОТМнинг умумий компьютер тармоғига улаш зарур. Юқоридаги жараёнларни онлайн тарзда хоҳлаган фуқаро кузатиб ўтириш имкониятини яратиш зарур.

Бу ушбу жараёнларни ОТМ, факультет, кафедра раҳбарияти, жамоа кенгаши аъзолари, талабалар ҳамда ота-оналарининг онлайн тарзда кузатиб боришига имконият яратади ва келажакда юз бериши мумкин бўлган низоларнинг ҳамда коррупция ва суистеъмомчиликларнинг олдини олишга, шу билан бирга профессор-ўқитувчилар ҳамда талабаларнинг узларини такомиллаштиришга қушимча мотивация бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган, олий таълим муассасалари ходимларининг хизмат вазибалари ва малака талаблари мужассамлашган, Классификаторга Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида» ги Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда, ОТМ ходимларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича масъулиятини кучайтириш мақсадида тегишли қушимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. [3]

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини

кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2021 йил 6 июль, ПФ-6257-сон Фармони.

2. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тўғрисидаги НАМУНАВИЙ НИЗОМ (Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг 2021 йил 6 сентябрдаги 27-сон буйруғига ИЛОВА).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдикланадиган, олий таълим муассасалари ходимларининг хизмат вазифалари ва малака талаблари мужассамлашган, Классификатор.

4. Qobilov.Sh.R. Korruptsiyaga qarshi kurash:iqtisodiy, ma'naviy ma'rifiy choralari va yo'llari: Monografiya. – T.: O'zbekiston Respublikasi IIV akademiyasi 2015. – 3 b

5. Мирзаев, Г. (2022). O'zbekiston respublikasida korruptsiyaga qarshi kurashishni ta'limdan boshlash kerak. Вопросы совершенствования механизмов противодействия коррупционным рискам в сфере государственного управления, 1(01), 101–109. извлечено от <https://inlibrary.uz/index.php/issues-improving/article/view/12605>